БИР КУНЛИК УЛКАН ТАЪСУРОТ .....

Отабек Қобилов
Ўзбекистон Республикаси
Наманган вилояти Чуст тумани
Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси

Анотатсия: *Бу маколада Арслонбоб мақбараси ва Хўжа Ахмад Яссавий мақбараси хақида кенг ёритилди.*

Калит сўзлар: *мақбара Сайрам, Арслонбоб, Ахмад Яссавий, Туркистон, Амир Темур, гумбаз.*

Аждодларнинг бой тарихий ва маданий мерос кўхна обидалар, бебаҳо қадамжолар, бугунги кунда жаҳон халқаро туризмининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилган. Янги сайёҳлик йўналишларини очиш бўйича Туркистон вилоятида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Анчадан бери Жанубий Қозоғистонни, Туркистон ва Сайрамни кўриш, зиёрат этиш ниятим бор эди. Аллоҳ насиб этиб, бехос йўлим очилди.Сайёҳат инсонга нафақат мазмунли хордиқ, ёқимли лаҳзалар тақдим этади, балки тажриба ва билимлар, кенг дунёқарашга ҳам эга бўлиши мумкин. Айниқса, қадимий манзилгоҳлар сизни олис ва кўҳна тарих қаърига олиб кира олади. Шундай масканларни яна бир эсга оламиз.

АРСЛОНБОБ МАҚБАРАСИ

Арслон бобо XII асрда яшаган дин арбоби. Баъзи манбаларда 400 йил, айримларида эса 500 йилгача яқин умр кўрган дейишади. Ривоят қилинишича, Амир Темур Туркистонда Хўжа Аҳмад Яссавий номини улуғлаб, унга атаб мабқара қурдирмоқчи бўлади. Бироқ у қураётган мақбарани ҳар тунда бир хўқиз келиб бузиб ташлармиш. Хайрон бўлган навкарлар нимақилишни билмасмиш. Шунда Амир Темур уламо ва вазирларига юзланибди, аммо улардан ҳам хеч қандай натижа чиқмади. Бир куни Амир Темурнинг тушига Аҳмад Яссавий кириб: "Эй улуғ зот, Сен менга ихлос қилиб, номимга улуғлаш мақсадида шундай улкан мақбара бунёд қилмоқчисан. Сенга рахмат. Бироқ, ақли бор, мусулмон инсон аввал устозга ҳурмат кўрсатади.

Сен менинг устозим Арслон бобо шарафига мақбара курдирмадинг. Сен аввало устозимга эҳтиром кўрсат, кейин менга кел..." деб таъкидлабди.Шунда Амир Темур барча навкар ва қурувчилари билан ортга қайтибди.70 чақирим бўлган йўл ҳеч тугамасмиш.Бу қандай ҳол бўлади? деб Амир Темур қўл остидагиларга юзланибди.Шунда кўпни кўрган илм ва билимларга эга бўлган бир донишманд: Эй амирим,бундай буюк зот олдига яёв,отдан тушиб бориш лозим,дебди. Амир Темур шу заҳоти отдан тушиб, яёв юриб,Арслон бобо мангу ором топган жойга етиб келибди.Бу ерда Қуръон тиловат қилиниб,кўзни қамаштирувчи энг чиройли ва кўркам мақбара бунёд қилинди.

Арслонбоб қабри устига олти устунли гумбаз шаклига эга бўлган иншоат қурдиради.XVIIIасрда рўй берган кучли зилзиладан сўнг олти устундан иборат ёғоч устуннинг учтаси бугунги кунгача сақлаб қолган.Иккитаси ҳали ҳам шу мақбарада биттаси Алмати давлат музейида сақланади.Арслонбоб мақбараси шу кунгача кўп марта таъмирланиб асл ҳолича сақланиб келмоқда.Арслонбоб мақбараси XIV-XV асрларда қурилган.Ушбу иншоот Марказий Осиёда мусулмонлар муқаддас қадамжолпрнинг бирига айланиб келмоқда.Амир Темур Арслонбоб мақбарасини қуриб битказгач,ортга қайтиб Ахмад Яссавий мақбарасини бунёд қилади. Кимки Хўжа Аҳмад Яссавийни зиёрат қилгиси келса,аввал Арслон бобони зиёрат қилиб,сўнг бориши лозим.Ушбу зиёратгоҳга келувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.Ушбу мақбара ЮНЕСКО маданий меъморий ёдгорлик сифатида тан олинган.

ХЎЖА АҲМАД ЯССАВИЙ МАҚБАРАСИ

Дарвоқе, Жанубий Қозоғистон халқи Амир Темурни жуда яхши кўради. Туркистон яқинидаги бир шаҳар, бир қанча кўчалар Темур номи билан аталади. Менимча, Қозоғистоннинг энг муҳташам тарихий ёдгорлиги ҳам Амир Темур қурдирган Ҳазрат Аҳмад Яссавий хонақоҳидир. Бу тарихий ёдгорлик Темур қурдирган ва сақланиб қолган энг катта мажмуа ҳисобланади. Мен хонақоҳни расмда кўриб

яхши тасаввур қилмаган эканман. Мажмуа ҳақиқатда муҳташам экан. Мақбара, масжид ва мадрасасини ўз ичига олган мажмуани Амир Темур шахсан лойиҳалаштирган, ўлчовларни чизиб бергани манбаларда келган. Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрида жойлашган Хўжа Аҳмад Яссасий меъморий мажмуасидир.Бу ёдгорлик сохибқирон Амир Темур буйруғига асосан 1385-1405 йилларда қурилган.Тарихий маълумотларга кўра ,дастлаб Яссавий қабри устида кичик мақбара қурилган. Кейин Амир Темур томонидан улкан маҳобатли мақбара мажмуаси бунёд этилган.

Амир Темур вафотидан сўнг қврилиш тўхтаб қолган. Мақбарага иккита эшикдан кириш мумкин. Баландлиги қарйиб 40 метр, жами 30 та хона ва заллардан иборат. Марказий зал хоналарнинг қароргоҳи бўлган. Зал марказида Тойқозон ўрнатилган. Сиғими 3000 литр. Оғирлиги тахминан 2 тонна. Баландлиги 1.62, диаметри 2.42 метр. Қозон 7 хил турли металлар: олтин, кумуш, темир, кўрғошин, мис, рух ва қалайдан ясалган. Тарихий манбаларда келишича, ушбу улкан қозонда ҳафтада икки марта ҳалим пиширилган, у илм толиблари, бева-бечораларга тарқатилган. Ҳозир қозоннинг усти қаттиқ плёнка билан ёпилган. Бир вақтлар қозоннинг ичига танга ташлаш урфга киргандан сўнг шундай қилишга мажбур бўлишган.

Мақбара 2003 йил ЮНЕСКО умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Ҳаммомнинг мақбара яқинида қурилгани бежиж эмас. Зиёратга келганлар аввал

ҳаммомдм покланиб, кейин ибодатга киришган. Бино ташқарисидаги сўрилар жойлаштирилган бўлиб, бу жой чойхўрлик қилиб, сухбат қурмдиган масеанга айлантирилган. Ҳаммомда аёллар ва эркаклар покланиши учун алохида кун белгиланган. Бино асосий катта зал ва унга туташ бир неча хонадан иборат. Катта зал мареазида ғиштдан. қурилган сшрғ бор. Унинг устида сув солинган идишлар қўйилган. Сув шундай иситилган. Идишлар турли катталикда бўлиб, улар мисдан ясалган, чунки металл инсон саломатлигига ижобий таъсир қилган. Шуни алохида таъкидлаш керакки, ҳаммом нафақат покланиш жойи, балки саломатликни тиклаш маскани ҳам бўлган. Бу ерда дунёнинг турли чеккаларидан тиббиёт билимдонлари таклиф этилган ва инсонлар ўз дардига шифо топишган экан. Ушбу тарихий ёдгорликни еўриш учун ҳар йили дунёнинг турли чеккаларидан қарйиб икки миллионга яқин сайёҳлар ташриф буюриши аниқланган. Бугунги кунга келиб, Туркистон шаҳри ва Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи яна қайта таъмирланмоқда ва келажак авлодга асл ҳолича қолдириш учун эзгу ишлар давом этмоқда. Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақида бир ривоятни эътиборизга ҳавола қилмоқчиман. Бир куни Муҳаммад (с.а.в) Пайғамбаримиз ёнларига шогирдларини йиғиб, хурмо еб ўтиришса, бир хурмо идиш ичида тўхтамай айланармиш. Шунда сахоба ва элчилар Пайғамбардан, бу не каромат деб, сўрашибди. Пайғамбаримиз: кеча тунда тушимга бир улуғ авлиё, яъни Хўжа Аҳмад аён бўлди. У 400 йилдан сўнг дунёга келади. Шу хурмони улуғ авлиёга ким етказа олади, деганида сахобаю элчилар: " бу кўп умр қандай бўлар экан ", деб жавоб беришибди. Шунда Арслон бобо:" Ё Аллоҳнинг Пайғамбари ушбу ҳурмони ул авлиёга мен етказаман. Менга Аллохдан узоқ умр сўраб беринг" дебди. 400 йилдан сўнг ўша улуғавлиё Хўжа Аҳмад Яссавий дунёга келибди. 10 ёшда Арслон бобо олиб келган хурмони олибди ва ул зот Пайғамбаримиз элчисини ўзига устоз этибди. Ундан ислом динини ўрганибди. Яссавийнинг фақат ижоди эмас, балеи қанча умр кўриб, қачон вафот этганлиги ҳам баҳсли. У ҳикматларидан бирида "Юз йигирма бешга кирдим, билолмадим" дейдики, бу сўзлар тарихий ҳақиқатдан кўра, манъоқибий мазмунига эга. Бундан ташқари, 125 йиллик узоқ умрнинг яримидан кўпи "ер ости"да ўтказиш ақл бовар этмас ходисадир.

Ривоятларга кўра, Яссавий 63 ёшга етгач, ер остида ҳужра ясатиб," чилла " га кирган.("Олтмиш учда ер остига кирдим мано ", дейди. Ясспвий) қолган умрини тоат-ибодат қилиб, қимматли ҳикматлар ёзиб, риёзатлар чекиб, ер остида ўтказган. Лекин кўпчилик тадқиқотчилар унинг вафот тарихини 1166-67 йил деб қайт этишган. **Мана**

ён қўнимиз бўлмиш Қозоғистонга 2019 йилда қилган шу бир кунлик сайёҳат менда катта унутилмас таъсурот уйғонди десам адашмаган бўламан.

АДАБИЁТЛАР:

1. Интернет сайтларидан фойдаланилмади.
2. Мустақил изланувчи томонидан ёритилди.